

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РАХИМОВ АНВАР ПЎЛАТБОЕВИЧ

**ЎТ ТОШ КАСАЛЛИГИ ВА МЕТАБОЛИК СИНДРОМ НОЗОЛОГИК
СИНТРОПИЯСИ ПАТОГЕНЕЗИНИНГ КЛИНИК-ГЕНЕТИК
АСПЕКТЛАРИ**

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахимов Анвар Пулатбоевич

Ўт тош касаллиги ва метаболик синдром
нозологик синтропияси патогенезининг
клиник-генетик аспектлари..... 3

Рахимов Анвар Пулатбоевич

Клинико-генетические аспекты патогенеза
нозологической синтропии желчнокаменной
болезни и метаболического синдрома..... 21

Rakhimov Anvar Pulatboevich

Clinical and genetic aspects of the pathogenesis
of nosological syntropy of gallstone disease and
metabolic syndrome..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РАХИМОВ АНВАР ПЎЛАТБОЕВИЧ

**ЎТ ТОШ КАСАЛЛИГИ ВА МЕТАБОЛИК СИНДРОМ НОЗОЛОГИК
СИНТРОПИЯСИ ПАТОГЕНЕЗИНИНГ КЛИНИК-ГЕНЕТИК
АСПЕКТЛАРИ**

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Tib985 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмаилов Ўқтам Сафаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зокиров Ёрқин Узуевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Жўраева Мохигул Азимжановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд Давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «18» ноябр соат 14⁴⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув биноси, 4-кават мажлислар зали. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (200 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-кават, 7-хона. Тел./факс: (+99878) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2021 йил «6» ноябр да куни тарқатилди.
(2021 йил «6» ноябр даги 21 рақамли реестр баённомаси).



Г.И. Шайхова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиб, тиббиёт фанлари доктори

А.Б. Саидов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ўт тош касаллиги (ЎТК) ва метаболик синдром (МС) бугунги кунда бутун дунёда кенг тарқалган касалликлар бўлиб, ЎТК ер шарининг 10-15% аҳолисида учраши ва бу кўрсаткич ҳар ўн йилда 2 баробарга ўсиши кузатилмоқда. МС ҳам жуда кенг тарқалган патологиялардан бўлиб, дунё олимлари «...XXI аср пандемияси деб таърифлайдилар ва бутун дунё аҳолисининг 20-40% ини ташкил қилади...»¹. Ҳозирги кунга келиб, ЎТК ва МС синтропик ривожланиши 70-80% ҳолларда аниқланган бўлиб, ушбу касалликлар оғир асоратлар билан кечишида ҳамда даволаш-профилактика ишларини олиб боришда муаммолар туғдирмоқда. Пациентларда кўшимча сифатида кўплаб тана бошқа аъзолари патологиялари кузатилиши ва ушбу тоифа беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларига ўз таъсирини кўрсатиш ҳамда жиддий асоратлар келиб чиқишига сабабчи бўлади. ЎТК ва МС нозологик синтропияси ривожланиш башоратини ва бирламчи профилактика натижаларини яхшилаш илмий ҳамда амалий тиббиётда муҳим масала ҳисобланади. Шу сабабли бу комбинацияланган патологияларнинг келиб чиқиш механизмлари, клиник ва генетик аспекти ҳамда патогенетик асосланган индивидуал даволаш профилактикасини ишлаб чиқиш ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда ўт тош касаллиги ва метаболик синдром нозологик синтропияси патогенезининг клиник ва генетик аспекти оптимал вариантларини таъминлаш борасида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ўт тош касаллиги метаболик синдром билан биргаликда ва метаболик синдромсиз кечаётган беморларда клиник-лаборатор, инструментал ҳамда антропометрик текширувлар билан бирга ADRB2 (Gln27Glu), ADRB2 (Arg16Gly) ва ADRB3 (Trg64Arg) ген полиморфизмлари аллел ва генотипик вариантлари тарқалиш даражасини, регулятор - PPARG2 (Pro12Ala), FABP2 (Ala54Thr) генларининг липидлар метаболизми бузилиши механизмларидаги аҳамиятини, метаболик синдром ривождаги ген-ген ўзаро таъсирлар қийматини ҳамда клиник синтропияси ривожланиши индивидуал хавфини башоратлаш мезонларини ва эрта ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш ҳамда тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, соматик касалликлар эрта ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳоли саломатлигини яхшилаш ва мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни тадбиқ этиш, касалланиш даражасини камайтириш, овқатланиш билан боғлиқ бўлган касалликларни

¹Абдуллозода С.М. Некоторые аспекты эпидемиологии и этиопатогенеза метаболического синдрома // Вестник авиценны Том 22. № 4 2020 г. С. 580-585.

олдини олиш ва ҳаёт давомийлигини ошириш...»² каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда ўт тош касаллиги ва метаболик синдром нозологик синтропияси патогенезининг клиник ва генетик аспекти оптимал вариантларини яратишга қаратилган долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: ЎТКги 65 ёшгача бўлган эркаклар орасида 6,7% гача, аёлларда 14,6% гача ҳолларда учраса, 65 ёшдан катталарда бу кўрсаткич эркакларда 17,5% ни, аёлларда 27,7% ни ташкил қилади (Вахрушев Я.М., 2016). Тахминан 60 ёшдан ошган аҳолининг тўртдан бири ва 70 ёшдан ошган аҳолининг учдан бири ЎТК билан касалланади (Сагдатова А.А., 2018). Кўп йиллар давомида бутун дунёда ЎТК одатдагидек, ёши катта инсонлар патологияси ҳисобланар эди, аммо бугунги кунга келиб жуда кўплаб изланишлар натижасида ёшлар орасида ҳам барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб қолмоқда. Эрта ёшдаги болалар орасида ЎТКнинг кўплаб учраши ҳомиладорлик вақтидаги холестериногенезнинг бузилиши билан боғлиқ. Бир қатор изланишлар маълумотларига қараганда ЎТК охириги ўн йилликда болалар орасида ўн баробарга (0,1 % дан 1,0 % гача) ва катта ёшдаги инсонларда эса икки баробарга кўтарилиши кузатилган (Потапова Е.А., 2016). МС ўрта ёш аҳоли орасида NTERHEART тадқиқотларига кўра (NCER ATR III мезонлари бўйича) 26% ни ташкил қилади (Батурин А.К., 2015). МС семизлик билан 49% ва қандли диабет (ҚД) билан 80% ҳолларда бирга келиши аниқланган. Соҳа мутахассислари маълумотларига қараганда дунё аҳолисининг 30%ида ортиқча тана вазни аниқланган ва бу кўрсаткич ҳар 10 йилликда 10%га ошиши кузатилмоқда (Берсенёва О.А., 2019).

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

Ачинарли ҳолатлардан бири кейинги йилларда ЎТК ва МС патологияларида ёшариш кузатилмоқда ва жамиятнинг фаол меҳнатга лаёқатли аҳолисини камраб олмақда. ЎТК, МС ва унинг компонентлари бўлган семизлик ҳамда ҚД касалликларининг патогенетик ривожланишида липидлар метаболизмининг бузилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, липид-регулятор генлар ва уларнинг полиморфизмлари ҳозирги кунгача ўрганилиб келинади. Шулардан, ADRB2 (rs1042713 полиморфизми), ADRB2 (rs1042714 полиморфизми), ADRB3 (rs4994 полиморфизми), PPAR2 (rs1801282 полиморфизми) ва FABP2 (rs1799883 полиморфизми) генлари турли популяцияларда бир қанча изланишлар олиб борилган бўлиб, ушбу полиморфизмларининг аллел ва генотиплар тарқалиш даражаси ҳамда юқоридаги касалликлар орасидаги боғлиқлиги қарама-қарши мунозараларга сабаб бўлмоқда. Масалан, рус популяцияларида И.А.Бондарь кузатишича, метаболик синдром ривожланиш хавфи PPAR2 гени Pro12Ala полиморфизми гомозиготали Ala/Ala генотида камроқ бўлиб, гомозиготали Pro/Pro генотида эса юқори ҳисобланади. Француз популяцияларида эса гетерозигота ҳолатида метаболик синдром ривожланиши аниқланмаган (Бондарь И.А., 2014; Meirhaeghe A, 2015). M.Stumvoll кузатишларида PPAR2 гени rs1801282 полиморфизми Ala аллели ташувчиларида тана вазн индексининг кам бўлиши аниқланган бўлса (Stumvoll M., 2002), Y.S.Ҳао ва A.P.Rodrigues тадқиқотларида эса ортиқча тана вазни, айниқса 3-4 даражадаги семизликлар кузатилган (Rodrigues A.P., 2018; Ҳао Y.S., 2015).

Мамлакатимизда ўт тош касаллигини ва метаболик синдромини олдини олиш борасида қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда (Ф.Г. Назиров, 2015; Ш.И.Каримов, 2018; М.М.Акбаров, 2020), бироқ, ўт тош касаллиги ва метаболик синдром нозологик синтропияси патогенезининг клиник ва генетик аспекти олиб борилган вариантлари яратилмаган.

Ўтказилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўт тош касаллиги ва метаболик синдром нозологик синтропияси патогенезида липидлар метаболизмининг регулятор-генларини - ADRB2 (rs1042713), ADRB2 (rs1042714), ADRB3 (rs4994), PPAR2 (rs1801282) ва FABP2 (rs1799883) аҳамияти ва ўзига хос жиҳатлари тўғрисида маълумотлар учратилмади. Ҳозирги кунгача дунё олимлари ўт тош касаллиги ва метаболик синдром биргаликда кузатилган ҳолатларнинг клиник ва генетик аспекти олиб борилган вариантлари аниқ бир тўхтама келмаганлар.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мавофиқ №01180032 «Овқат хазм қилиш ва иммунитет тизимининг постнатал ривожланишида экспериментал патологиянинг турли шаклларида организмнинг ҳаётининг фаолияти параметрларининг функционал-метаболик ва структуравий хусусиятлари» мавзуси доирасида бажарилган (2019-2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади ўт тош касаллиги ва метаболик синдром нозологик синтропияси патогенезида липидлар метаболизмини бошқарувчи генларнинг ўрнини баҳолаш асосида касалликларни эрта ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўт тош касаллиги метаболик синдром билан биргаликда ва метаболик синдромсиз кечаётган беморларда клиник-лаборатор, инструментал ҳамда антропометрик текширувлар билан бирга ADRB2 (Gln27Glu), ADRB2 (Arg16Gly) ва ADRB3 (Trg64Arg) ген полиморфизмлари аллел ва генотипик вариантлари тарқалиш даражасини баҳолаш;

ўт тош касаллиги ва метаболик синдром нозологик синтропияси ривожланишида регулятор - PPARG2 (Pro12Ala), FABP2 (Ala54Thr) генларининг липидлар метаболизми бузилиши механизмларидаги аҳамиятини баҳолаш;

ўт тош касаллиги билан касалланган беморларда метаболик синдром ривождаги ген-ген ўзаро таъсирлар қийматини баҳолаш;

ўт тош касаллиги билан оғриган беморларда метаболик синдром клиник синтропияси ривожланиш индивидуал хавфини эрта ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази хирургия бўлимларида ўт тош касаллиги билан стационар (69 нафар) ва амбулатор (49 нафар) равишда даволанаётган жами 118 нафар беморлар клиник-генетик таҳлиллари ҳамда Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказидан (РИГИАТМ) 120 нафар амалий жиҳатдан соғлом донорлар ДНК лари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ўт тош касаллиги метаболик синдром билан биргаликда ва метаболик синдромсиз кечаётган беморларнинг касаллик ҳамда ирсий маълумотларини баҳолашда ADRB2 (rs1042713), ADRB2 (rs1042714), ADRB3 (rs4994), PPARG2 (rs1801282) ва FABP2 (rs1799883) генлар полиморфизмини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ўт тош касаллиги ва метаболик синдром нозологик синтропияси патогенезининг клиник-генетик аспектларини баҳолашда клиник, лаборатор, инструментал, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

ўт тош касаллиги ва метаболик синдром компонентларидан бўлган семизликнинг патогенетик ривожланиши, клиник кечишига сезиларли таъсир қиладиган ҳамда липид метаболизми бузилишларининг ген-детерминантларидан FABP2 гени rs1799883 локусидаги Thr/Thr генотиби ва ADRB2 гени rs1042714 локусидаги Glu/Glu генотиби ташувчиларида ушбу касалликлар синтропиясининг шаклланишида юқори ассоциацияга эга эканлиги аниқланган;

ўт тош касаллиги ва метаболик синдром компонентларидан семизликнинг патогенетик ривожланиш механизмларида молекуляр генетик предикторлардан FABP2 гени rs1799883 локусидаги Ala/Ala генотиби ҳамда

ADRB2 гени rs1042714 локусдаги Gln/Gln генотиби ташувчилари протектив аҳамияти аниқланган;

Ўт тош касаллиги ва метаболик синдром компонентларидан қандли диабет касаллигининг нозологик синтропияси ривожланиш патогенезида FABP2 гени rs1799883 локуси Thr ва ADRB3 гени rs4994 локуси Arg аллеллари юқори тенденцияси аниқланган;

Ўт тош касаллиги ва метаболик синдром нозологик синтропияси патогенезида липидлар метаболизмини бошқарувчи генларнинг ўрнини баҳолаш орқали ўт тош касаллиги билан хасталанган беморларда метаболик синдром ривожланишини эрта ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Ўт тош касаллиги билан хасталанган беморларда метаболик синдром компонентларидан қандли диабет ва семизликнинг ривожланиши хавфини келтириб чиқарувчи омиллари баҳоланган;

стандарт текширув усуллари билан бир қаторда ташхислаш тадбирлари мажмуасига қўшимча равишда липид регулятор генларни - PPARG2 (Pro12Ala) ҳамда FABP2 (Ala54Thr) метаболик бузилиши механизмидаги ўрни баҳоланган;

Ўт тош касаллиги ва метаболик синдром компонентларидан семизликнинг нозологик синтропиясида FABP2 гени rs1799883 локусидаги Thr/Thr генотиби ҳамда ADRB2 гени rs1042714 локусдаги Glu/Glu генотиби ташувчиларида юқори ассоциацияга эга эканлиги аниқланган. Ala/Ala ва Gln/Gln генотиплари эса аксинча, ЎТК ва МС ривожланишида протектив аҳамиятга эга эканлиги баҳоланган;

Ўт тош касаллиги ва қандли диабет нозологик синтропияси ривожланишида FABP2 гени rs1799883 локуси Thr ва ADRB3 гени rs4994 локуси Arg аллеллари юқори тенденцияси асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, инструментал, молекуляр-генетик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, ўт тош касаллиги ва метаболик синдром нозологик синтропияси патогенезининг клиник ва генетик аспекти оптимал вариантларини коррекциялашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўт тош касаллиги билан хасталанган беморларда метаболик синдром ва унинг компонентларидан бўлган қандли диабет ва семизликнинг ривожланиши хавф омиллари, ушбу патологияларининг синтропик ҳолда ривожланиши ҳамда клиник кечишида антропометрик, инструментал-лаборатор ва молекуляр-генетик текширувларни ўрни, ўт тош касаллиги билан хасталанган беморларда PPARG2 (rs1801282), ADRB2 (rs1042713), ADRB2 (rs1042714), ADRB3

(rs4994) ва FABP2 (rs1799883) генларининг аллел ва генотипик вариантларини тақсимланиш таҳлили, салбий генотипларини учраш даражасини баҳолаш орқали ушбу патологияларнинг синтропик ҳолда кечиш босқичларига боғлиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўт тош касаллиги ва метаболик синдроми нозологик синтропияси ривожланишининг генетик, клиник хавф омилларини баҳолашда бевосита амалиёт билан шуғулланувчи шифокорлар учун метаболик синдром бузилишлари хавфи бор беморлар гуруҳини тузиш билан бирга, липид алмашинуви бузилишининг генетик предикторларни, ўт тош касаллиги ва метаболик синдроми нозологик синтропиясида организмнинг индивидуал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ташхислаш алгоритмининг тузилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўт тош касаллиги ва метаболик синдром нозологик синтропияси патогенезининг клиник-генетик аспектларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аҳолининг турли қатламлари орасида ўт тош касаллиги ва метаболик синдром синтропиясини олдини олиш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ўт тош касаллиги ва метаболик синдром нозологик синтропиясида диагностика усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 августдаги 8н-з/269-сон маълумотномаси). Натижада ўт тош касаллигини ва метаболик синдромни олдини олиш, самарали ташхислаш ва даволаш тартибини коррекциялаш имконини берган.

Ўт тош касаллиги ва метаболик синдром нозологик синтропияси патогенезининг клиник-генетик аспектларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига жумладан, Хорзам вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси, Республика шошилиничи тез ёрдам илмий маркази Хорзам филиали ҳамда Хоразм вилоят Боғот тумани тиббиёт бирлашмаларининг амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 октябрдаги 08–09/14679–сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ўт тош касаллиги ва метаболик синдром компонентларидан семизликнинг нозологик синтропиясида FABP2 гени rs1799883 локусидаги Thr/Thr генотиби ва ADRB2 гени rs1042714 локусидаги Glu/Glu генотиби ташувчиларида юқори мустақил ассоциацияси, Ala/Ala ва Gln/Gln генотиплари эса аксинча, протектив аҳамиятга эга эканлигини баҳолаш асосида касалликнинг олдини олиш профилактик ва соғломлаштириш тадбирларини йўлга қўйиш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш кўникмаларини ҳосил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий

илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ўт тош касаллиги ва метаболик синдром нозологик синтропияси патогенезининг клиник ва генетик аспектларининг ўзига хос жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида ўт тош касаллиги ва метаболик синдром нозологик синтропияси муаммосининг моҳияти, ривожланишининг патогенези, замонавий диагностика усуллари, даволашдаги камчиликлар ва молекуляр-генетик текширув усулларини очиб берадиган адабиётлар шарҳи келтирилган, муаммонинг ечимини топишнинг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Ўт тош касаллиги ва метаболик синдром нозологик синтропияси патогенезининг клиник ва генетик аспектларини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, предмети ва баҳолаш, материал ва усуллари ёритиб берилган. Тадқиқот фундаменти ҳисобланиб, Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (ХВКТТМ) хирургия бўлимларида 2019-2021 йиллар давомида стационар даволанаётган (69 нафар), амбулатор (49 нафар) даволанишда бўлган ЎТК ва ЎТК билан метаболик синдром биргаликда келган беморлар клиник таҳлиллари ҳамда ташхислаш натижаларига асосланади. ХВКТТМ хирургия бўлимларида 2019-2021 йиллар давомида 118 нафар бемор кузатув остида бўлган. Бу 118 нафар бемор асосий гуруҳга киритилган. Назорат гуруҳида 120 нафар амалий жиҳатдан соғлом донорлар ДНК ларидан (РИГИАТМ даги ДНК банки) фойдаланилган. Асосий гуруҳдаги 118 нафар беморлардан аёллар 78 (66,1%), эркеклар 40 (33,9%) нафарни ташкил қилган.

Асосий гуруҳга киритилган беморларнинг ёш градацияси 19 ёшдан 80 ёшни ташкил қилди. Беморларни ёши жиҳатдан 4 гуруҳга ажратдик. 18-44 ёш оралиғи 51 (43,2%); 45-59 ёш оралиғи 33 (28%) ва 60-74 ёш оралиғи 30 (25,4%); 75-90 ёш оралиғи 4 (3,4%) нафарни ташкил қилади. Кузатувимизда бўлган асосий гуруҳ беморлардан эркекларнинг ўртача ёши $47,48 \pm 1,21$ ва аёлларники $48,07 \pm 1,28$ ни ташкил қилади (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал**Беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши**

Ёши	аёллар		эркаклар		Жами	
	абс	%	абс	%	абс	%
18-44	36	30,5	15	12,7	51	43,2
45-59	18	15,3	15	12,7	33	28
60-74	22	18,6	8	6,8	30	25,4
75-90	2	1,7	2	1,7	4	3,4
Жами	78	66,1	40	33,9	118	100

Кузатувдаги асосий гуруҳ беморларни 3 та кичик А, Б, В гуруҳларга бўлиб ўрганилган. А кичик гуруҳида ЎТК билан семизлик биргаликда келган беморлар 58 (49%), Б кичик гуруҳида ЎТК билан қандли диабет биргаликда келган ҳолатлар 27 (23%) ва В кичик гуруҳида ЎТК МСсиз келган беморлар 33 (28%) нафарни ташкил қилди. Кичик гуруҳлардаги беморларнинг тақсимланиши 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал**Кичик гуруҳлардаги беморларнинг тақсимланиши**

Кичик гуруҳлар	А гуруҳ		Б гуруҳ		В гуруҳ	
	эркак	аёл	эркак	аёл	эркак	аёл
18-44	8	21	4	8	3	7
45-59	7	8	4	5	4	5
60-74	2	10	3	1	3	11
75-90	-	2	2	-	-	-
Жами	17	41	13	14	10	23

Асосий гуруҳ беморларнинг 69 (58,5%) нафари стационар шароитда даволанган ва 49 (41,5%) нафари амбулатор назоратда бўлиб келмоқда. Стационар даво олган беморлардан 29 нафарида семизлик, 13 нафарида қандли диабет ва 27 нафарида МСсиз кечиши аниқланди. Амбулатор назоратдаги беморлардан 29 нафарида семизлик, 14 нафарида қандли диабет ва яна 6 нафарида МСсиз кечаётганлиги аниқланган.

Амбулатор назоратидаги 41,5% бемор стационар даволанишга мухтож эканлигидан далолат беради ва улар орасида 24,6% беморда семизлик, 11,9% беморда қандли диабет ҳамда 5% беморда эса метаболик ўзгаришларсиз факат ЎТК қўзиш даври аниқланган.

Стационарда даволанган 69 нафар беморларнинг деярли барчасида диспептик бузилишлар кузатилган. Кўпчилигида қайталанувчи ўт

санчиғи, кўнгил айнаши, қайт қилиши, қорин дам бўлиши, ич қотиши безовта қилган ва клиник белгилар намоён бўлганлигидан ХВКТТМга текшириш ва даволаш учун госпитализация қилинган бўлиб шулардан 45 нафари режали равишда асосий ташхис – сурункали тошли холецистит ремиссия ёки тўлиқ бўлмаган ремиссия даври билан госпитализация қилинган бўлса, 24 нафар бемор шошилиш равишда ўткир тошли холецистит ва шу билан биргаликда асоратланган турларида (холедохолитиаз, механик сариклик, холангит, панкреатит, папиллит, билиар жигар циррози) касалхонага ётқизилган.

Кузатувдаги 69 нафар беморда оператив даволаш ва 49 нафар беморда консерватив равишда даволаш ишлари олиб борилган.

Умумий клиник, лаборатор ва инструментал текширувлар. Беморларнинг умумий аҳолини комплекс баҳолаш, ҳар хил патологияларни таққосий ташхислаш ва қўшимча касалликларни аниқлаш мақсадида қуйидаги текширув ишлари ўтказилган:

дастлаб беморни клиник текширишлардан ўтказиш: шикоятларни аниқлаган ҳолда анамнез йиғиш (ҳаёт анамнезида қариндошлари, аждодларида ирсий касалликлар бор йўқлиги) ва умумий кўрик, қорин бўшлиғининг пальпацияси, перкуссияси, пульс, АҚБ ва ТВИ аниқланган;

кейинги босқичларда қон ва сийдикни лаборатор текшириш: қон ва сийдикнинг умумий таҳлиллари ва қоннинг биокимёвий кўрсаткичларини текшириш;

юракни ЭКси ва зарурий ҳолларда ЭхоКГ қилиш;

жигар, ўт пуфағи ва ўт йўллари, ошқозон ости безини ультратовуш ёрдамида текшириш (УТТ);

эзофагогастроуденофиброскопия (ЭГДФС);

кўкрак қафаси умумий рентгенографияси;

зарурий ҳолларда меъда - ичак трактини рентгенологик текшириш;

ЎТКнинг асоратланган турларида заруратга қараб компьютер томография (КТ), магнит резонанс томография (МРТ), эндоскопик ретроград панкреатохолангиография (ЭРПХГ) текширув усуллардан фойдаланилди;

кардиолог, терапевт - гастроэнтеролог, эндокринолог, анестезиолог кўриги ва маслаҳати.

Умумий клиник материалларни молекуляр-генетик текшириш усуллари. Клиник материалларни молекуляр-генетик текширув ишлари РИГИАТМ хужайра технологияси ва молекуляр генетика бўлимида бажарилган.

Илмий ишнинг бу бўлими бир неча босқичлардан иборат: кузатувдаги беморлардан қон олиш; периферик қондан ДНК ни ажратиш; ПЗР ўтказиш; электрофорез қилиш ва натижаларни олиш.

Илмий тадқиқот давомида генларнинг 5 та полиморфик вариантлари ўрганилди (3-жадвалга қаранг).

Генлар полиморфизми ассоциациясини таҳлил қилишда «case-control» модели ёрдамида амалга оширилди.

Ўрганилган ген полиморфизмлари рўйхати

Ген (қисқартирилган)	локализация	полиморфизм	халқаро код
Пероксизом пролифератор билан фаоллашган гамма рецептор (PPARG2)	3p25.2	Pro12Ala	rs1801282
Бета-2 адренергик рецептор (ADRB2)	5q32	Gln27Glu	rs1042714
Бета-2 адренергик рецептор (ADRB2)	5q32	Arg16Gly	rs1042713
Бета-3 адренергик рецептор (ADRB3)	8p11.23	Trg64Arg	rs4994
Ёғ кислотасини боғлайдиган оқсил (FABP2)	4q28-4q31	Ala54Thr	rs1799883

Диссертациянинг «Ўт тош касаллиги ва метаболик синдром билан ва метаболик синдромсиз кечаётган беморларда ташхислашнинг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида асосий гуруҳ беморларнинг клиник, антропометрик ва лаборатор-инструментал текширувлар натижалари олинган. Дастлаб беморларнинг шикоятлари аниқланди: деярли барча беморлада ўнг қавурғалар ости ва эпигастрал соҳасида оғриқлар, оғизда аччиқ таъм бўлиши, кўнгил айниши, айримларида қусиш, касалликнинг асоратланган турларида эса кўз склераси ва тана териси сарғайиши, сийдик ранги тўқ рангда бўлиши, ахлат рангсизланиши, кўшимча касалликларига қараб бош оғриғи, юрак соҳасидаги оғриқлар ва умумий холсизлик каби шикоятлари аниқланди.

Анамнез йиғиш тартиби: Ҳаёт анамнезида 65% беморларда ЎТК га олиб келувчи ўзгарувчан хавф омилларидан чекиш, нотўғри овқатланиш, гиподинамия аниқланди. Беморларнинг 45%ида эса қариндошлари ва аждодларида ЎТК ёки МС (семизлик, ҚД) борлиги маълум бўлди.

Умумий кўрик пайтида барча беморларда АҚБ ва пульс текширилди. Асосий гуруҳ беморларнинг 66 нафарида (60%) артериал қон бомсими (АҚБ) баландлиги аниқланган бўлиб, шулардан 33 нафарида меъёрдан юқори ва 41 нафарида 1 даражали, 18 нафарда 2 даражали ҳамда 7 нафарда 3 даражадаги артериал гипертензия кузатилган.

Антропометрик текширувлардан барча беморларда ТВИ ҳисоблаб чиқилган. Беморларнинг 58 нафарида (49%) да ТВИ ≥ 30 m/h² эканлиги аниқланди ва кўшимча семизлик ташхиси қўйилди ҳамда А-кичик гуруҳга киритилди.

Инструментал текширувлардан барча беморларга стандарт бўйича УТТ, ЭКГ ва кўкрак кафаси рентгенографияси қилинди. УТТ текширувида барча беморларда ўт копида турли хил ўлчамда тошлар аниқланган ва сон жиҳатдан ягона ёки кўплаб тошлар борлиги қайд қилинган. Шулардан 21

нафар беморларда ўт қопи ўлчамлари кенгайган, ўт қопи девори қалинлашгани яъни ўткир тошли холециститдан далолат беради. Холедохолитиаз, механик сариқлик билан асоратланган турлари эса 8 нафар беморда аниқланди.

Барча беморлар ЭКГ текширувларидан ўтказилганда 32 ёшдан ошган беморларнинг 41 нафарида ЮИК ва зўриқиш стенокардияси аниқланди. Кўкрак қафаси рентгенографиясида барча беморларда ёшига боғлиқ ўзгаришлар аниқланди.

Беморларнинг 38 нафарида ЭГДФС текшируви олиб борилди ва 22 нафар беморда сурункали гастродуоденит, 10 нафарида 12 бармоқ ичак яра касаллиги, 6 нафарида эса ярадан кейинги чандиқланиш аниқланди.

MPT холангиография 41 нафар беморда ўтказилди. Холедохолитиаз 8 нафар беморларда аниқланди, холедох диаметри 0,8-2,5 см оралиғини ташкил қилади. Жигар ичи йўллари кенгайган. Беморларнинг 3 нафарида холедохоэктазия борлиги ва тошлар йўқлиги кузатилди. Қолган беморларда сурункали тошли холецистит хулосаси берилган.

ЎТК MC билан биргаликда ва MCсиз кечаётган беморларда ADRB2 (Gln27Glu), ADRB2 (Arg16Gly) ва ADRB3 (Trg64Arg) ген полиморфизмларни аллеллик ва генотипик вариантларнинг тарқалиш частоталари ўрганилди.

Липидлар метаболизмида иштирок қилувчи генлардан бири бу - ADRB2 (Бета-2 адренергик рецептор) ҳисобланади. ADRB2 генининг 80 дан ортик полиморфизмлари аниқланган бўлиб кенг тарқалган ва муҳим ахамиятга эга полиморфизмларидан бири Gln27Glu (rs1042714) ҳисобланади. Дастлаб асосий ва назорат гуруҳи намуналарида ADRB2 гени rs1042714 локусининг аллел вариантларининг тарқалиши даражаларини қиёсий таҳлил қилинди. Gln аллели мос равишда 65,2% ва 73,7% ни ва Glu аллели эса 34,7% ва 26,2% ни ташкил қилди ($\chi^2=4,0$; $P=0,04$; $OR=1,5$; 95% CI 1,01-2,216). Асосий гуруҳ беморларимизда Glu аллели тарқалиш даражаси назорат гуруҳи намуналарига нисбатан баланд бўлиши ҳамда статистик жиҳатдан бироз ахамиятли эканлигини кузатилди.

ADRB2 гени rs1042714 локусининг генотиплари тарқалиш даражасини қиёсий таҳлилида эса гомозигота Glu/Glu генотип тарқалиш даражаси асосий гуруҳимизда назорат гуруҳига нисбатан анча юқори кўрсаткичга эга эканлиги кузатилди (мос равишда 13,6% ва 5,0%; $\chi^2=5,2$; $P=0,02$; $OR=3,0$; 95% CI 1,124-7,905). Ҳисоблаган статистик маълумотлардан кўришиб турибдики, орадаги қиёсий статистик фарқ тенденцияга эга.

Юқоридаги патологиялардан айнан қайси бирида ADRB2 гени rs1042714 полиморфизмининг ассоциациятив ўрни баландлигини аниқлаш мақсадида кичик гуруҳларда ҳам статистик жиҳатлари ўрганилди. Кичик – А гуруҳи ЎТК+семизлик синтропик ҳолда келган беморларда ADRB2 гени rs1042714 локусдаги Glu/Glu генотиби ($\chi^2=5,6$; $p=0,02$; $OR=3,5$; 95% CI: 0,178-10,34) юқори ассоциацияга эга эканлиги аниқланди.

Демак, кичикроқ хулоса қилсак, ADRB2 гени rs1042714 полиморфизми Glu/Glu генотиби ташувчиларида ЎТК билан семизликнинг патогенетик ривожланиши 3,5 баробар юқорилигидан далолат беради.

L.Rieznik (2020) изланишларида, европа популяцияси аҳолисида ADRB2 гени rs1042714 полиморфизмининг гетерозиготали Gln/Gln генотиби бизнинг натижаларимиздан фарқли, доимий ва муҳим хавф омили эканлигини аниқлаган (OR=1,6; 95% CI 0,84-3,33). H.Zhang (2014) маълумотларда ҳам липидлар алмашинуви бузилиш механизмида семизлик ривожланиш хавфи Gln/Gln генотибига нисбатан Gln/Glu ва Glu/Glu генотипларида 1,2 баробар юқори эканлигини аниқлаган.

Ишимизнинг кейинги генетик маркери ADRB2 rs1042713 полиморфизмидир. ДНКдаги ADRB2 гени оқсил синтезловчи қисмида гуанин (G) аденин (A) билан ўрин алмашинишидан, ADRB2 оқсилида аминокислоталар кетма-кетлигининг 16 позициясида аргинин (Arg) глицин (Gly) билан ўрин алмашади (Arg16Gly) ва бу полиморфизмнинг халқаро коди rs1042713 деб белгиланган.

ADRB2 гени адипоцитларда липолитик рецепторлари ҳисобланади ва липидлар мобилизацияси ҳамда глюкоза гомеостази бошқарилишида фаол иштирок этади. ADRB2 гени полиморфизми теоретик жиҳатдан липолиз жараёнининг сустлашувига ва танада ортиқча ёғ тўқималари йиғилишига олиб келади. ADRB2 гени rs1042713 полиморфизми европа популяциясида учраш даражаси 37-41%ни ташкил қилади. Европа аҳолисининг жисмоний фаоллиги паст, тамаки маҳсулотларини чекувчилар, овқатланиш тартибига риоя қилмайдиган МС билан касалланган эркак жинс вакилларида ўтказилган тадқиқотларида ADRB2 гени rs1042713 полиморфизми гетерозиготали Arg/Gly генотибида OR=1,83 (95% CI: 1,10-3,05) ва гомозигота Arg/Arg генотибида OR=2,43 (95% CI 1,19-4,95) ни ташкил қилган.

Бизнинг натижаларимиз таҳлилида, гомозиготали Arg/Arg генотипларини тарқалиши эса асосий гуруҳимизда назорат гуруҳимизга нисбатан юқори даражасини ташкил қилди (мос равишда 33,9% ва 30,0%; $\chi^2=0,4$; P=0,5; OR=1,2; 95% CI: 0,69-2,06). ADRB2 гени rs1042713 полиморфизми гомозиготали Arg/Arg генотиби ўТК ва МС синтропик ривожланиш патогенезида тенденцияга эга эмаслигини кўришимиз мумкин (OR=1,2). Биз олган натижаларимизни бошқа изланувчиларнинг тадқиқот натижалари билан қиёсий ўрганишга ҳаракат қилдик: T.Nayakawa изланишларида бизнинг натижаларимиздан фарқли равишда, гетерозиготали Arg/Gly генотиби 11 та ўрганилган популяциялардан 8 тасида МСнинг патогенетик ривожланишига сабаб бўлувчи хавф омили эканлигини аниқлаган ва OR=2,6 ни ташкил қилган. K.Bengtsson маълумотларида эса аксинча, гетерозиготали Arg/Gly генотиби МС ривожланиш хавфини оширмаслиги ва фақат химоя вазифаси аниқлаган.

Демак, ушбу ген полиморфизми мустақил равишда кузатувимиздаги патологияларни патогенетик ривожланишида ассоциациятив боғлиқлиги камлигини кўришимиз мумкин.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида, липидлар метаболизмида иштирок қилувчи ADRB3 (Бета-3 адренергик рецептор) гени rs4994 полиморфизми аллел ва генотип вариантларининг тарқалишини ва ўТК

ҳамда MC нозологик синтропиясидаги ўрнини баҳолашдир. ADRB3 гени 8 - хромасома – 8p11.23 да жойлашган бўлиб 396 та аминокислоталарни синтезида иштирок қилади. ADRB3 фаоллиги пасайишидан ёғ тўқималарида оксидланиш тезлиги камаяди ва натижада тўқималарда ортикча липидлар тўпланишидан семизлик ҳамда MC келиб чиқиши аниқланган.

ADRB3 полиморфизмида 64 кодондаги триптофаннинг (Trp) аргининга (Arg) алмашилиши (ҳалқаро коди rs4994) ётади. Бир қатор илмий изланишларда, семизлик ва ҚД ривожланиши Arg64 гомозигота мутацияси билан боғлиқлик жиҳатлари аниқланган. Турли популяцияларда Arg аллели кўплаб ўрганилганига қарамадан, ADRB3 гени rs4994 полиморфизми MC ривожланишида иштироки буйича қарама-қарши фикрлар мавжуд бўлиб ҳозиргача ноаниқлигича қолмоқда. Масалан, 23 та изланиш мета-таҳлилида (умумий 7399 нафар беморда) ADRB3 гени rs4994 полиморфизмининг аҳамияти тасдиқланмаган. Бошқа 97 та тадқиқот мета-таҳлилида эса Осиё давлатларининг аҳолисида MC ёки семириш Trp64Arg билан боғлиқлиги кузатилган, аммо, Европа аҳолисида тасдиқланмаган. Лекин, De Luis тадқиқотларида эса Европа ортикча тана вазнига эга аҳолисида ADRB3 гени rs4994 полиморфизми Arg аллели ташувчилари муҳим аҳамиятга эга эканлигини исботлаган. Бизнинг тадқиқот натижаларимизни таҳлилида эса Гетерозиготали Trp/Arg генотипларини тарқалиш даражаси асосий гуруҳимизда назорат гуруҳимизга нисбатан юқори даражани ташкил қилди (мос равишда 20,3% ва 14,2%; $\chi^2=1,6$; $P=0,2$; $OR=1,5$; 95% CI 0,7827-3,057).

А.Назарова (2018) олиб борган тадқиқотларда ҳам, ҚД ва семизлик синтропик ҳолда ривожланган беморлар билан метаболик ўзгаришсиз соғлом донорлар намуналарида ADRB3 гени rs4994 полиморфизмини ўрганганида, мутант аллеллари учраш даражаси сезиларли фарқлар ҳамда статистик жиҳатдан аҳамиятли ўзгаришлар аниқланмаган.

Ушбу ген полиморфизмини кичик гуруҳларда ўрганганимизда ҳам ЎТК ва семизлик синтропик ҳолда келган беморларимизда соғлом донорларга нисбатан Arg аллели ва Arg/Arg генотипи учраш частотаси юқори даражада, лекин статистик жиҳатдан аҳамияти бироз камлигини кўришимиз мумкин ($p>0.05$).

ЎТК билан хасталанган беморлар ва назорат гуруҳидаги донорларда ADRB3 гени rs4994 полиморфизмини қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, ҳар иккала гуруҳимизда ҳам генотипларнинг тарқалиш даражаси орасидаги фарқ сезиларли даражада эмаслиги ҳамда статистик жиҳатдан аҳамияти камлиги аниқланди. ЎТК ва ҚД нозологик синтропияси ривожланишида ADRB3 гени rs4994 локуси Arg аллеллари ($\chi^2=2,5$; $p=0,1$; $OR=2,7$; 95% CI: 0,7652-9,49) юқори тенденцияси аниқланди.

Диссертациянинг «Ўт тош касаллиги ва метаболик синдром синтропияси патогенезида липид-регулятор генлар полиморфизмининг ўрнини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида асосий гуруҳ беморлар ва назорат гуруҳи донорларида липид регулятор генлар - PPAR γ 2 (Pro12Ala) ҳамда FABP2 (Ala54Thr) полиморфизмининг аллел ва генотиплари тарқалиш

даражаси, ушбу касалликларнинг патогенетик ривожланишдаги ўрни ҳамда эрта ташхислаш алгоритми тақдим этилган.

PPARG гени (пероксизом пролифератори билан фаоллаштирилган рецепторлар) 9 экзон ва 8 интрондан иборат бўлиб, 3p25 хромасомасида жойлашган. PPARG генининг 2 та изоформаси мавжуд бўлиб улар PPARG1 ва PPARG2. PPARG1 организмнинг деярли барча тўқималарида ва PPARG2 эса кўпроқ ёғ тўқималарида намоён бўлади. 12 - кодондаги (В экзон) (rs1801282) бир нуклеотидли цитозинни гуанинга алмашилиши PPARG2 генининг энг кенг тарқалган полиморфизми ҳисобланади ва PPARG2 оксида пролин (Pro) аминокислотасининг аланинга (Ala) алмашилиши рўй беради. Ишимиз давомида, кузатувимизда бўлган асосий ҳамда назорат гуруҳи намуналарини PPARG2 гени Pro12Ala полиморфизми аллел ва генотиплари тарқалиш даражасида қиёсий фарқлар аниқланди. PPARG2 гени rs1801282 локусининг аллел вариантларининг тарқалиши даражаларини қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, Pro аллели асосий гуруҳимизда (88,1%) назорат гуруҳимизга (83,7%) нисбатан кўпроқ учраш даражасига эга эканлигини аниқладик, лекин, статистик жиҳатдан аҳамияти камроқ ($\chi^2=1,9$; $P=0,2$; $OR=0,7$; 95% CI 0,41-1,17). Кузатувимиздаги беморлар орасида доминант гомозиготали Pro/Pro генотипини тарқалиш даражаси назорат гуруҳидаги намуналарга нисбатан анча юқори кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди (мос равишда 78,0% ва 69,2%; $\chi^2=2,4$; $P=0,1$; $OR=1,6$; 95% CI 0,88-2,82).

Бразилиянинг Гояс штати аҳолисида ўтказилган тадқиқотларда PPARG2 гени rs1801282 полиморфизми Ala аллели ташувчиларида MC юқори даражада бўлиши аниқланган. Россия Федерацияси Новосибирск вилоятида олиб борилган тадқиқотларда эса аксинча PPARG2 гени rs1801282 полиморфизми Pro аллели ташувчиларида MC айниқса ҚД ривожланиши хавфи Ala аллелига нисбатан 1,43 марта кўп эканлиги аниқланган.

Кичикроқ хулоса қиладиган бўлсак липидлар метаболизми регуляциясида PPARG2 генининг ўрни юқори бўлишига қарамасдан бизнинг тадқиқот натижаларимизда, ЎТК ва MC нозологик синтропиясида rs1801282 локуси мустақил равишда аҳамиятсизлиги аниқланди.

Тадқиқотимиз давомида фойдаланилган генларимизнинг кейингиси FABP2 (fatty acid-binding protein) гени липид-регулятор генлардан бири бўлиб, rs1799883 полиморфизми MC ва семизлик ривожланишида алоҳида ўрин эгаллайди. Липидларнинг тўқима ичи транспортида ҳамда метаболизмида иштироки беқиёсдир. FABP2 4 - хромасома – 4q28-4q31 да жойлашган бўлиб, 4 экзон ҳамда 3 интрондан иборат. FABP2 гени rs1799883 полиморфизмида 54 кодондаги аланиннинг треонинга алмашилиши ётади (Ala54Thr).


Ишимизнинг таҳлилида эса FABP2 гени Ala54Thr полиморфизмининг ЎТК ва MC синтропияси патогенетик ривожланишида ўзига хос ассоциациятив ўрни борлиги аниқланди. Ушбу ген полиморфизми Thr аллели тарқалиш даражаси асосий ва назорат гуруҳи қиёсий таҳлилида 32,2% ҳамда 22,9% ни ташкил қилди ($\chi^2=5,1$; $P=0,02$; $OR=1,6$; 95% CI 1,064-2,399). Генотиплари ўртасида ҳам қиёсий таҳлил қилганимизда гомозиготали

Thr/Thr генотиби тарқалиш даражасида асосий гуруҳимизда назорат гуруҳимизга нисбатан нисбатан анча юқори кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди (мос равишда 13,6% ва 7,5%; $\chi^2=2,1$; $P=0,1$; $OR=1,9$; 95% CI 0,8189-5,571). Статистик натижалардан маълум бўлдики, Thr аллели ва Thr/Thr генотиби ушбу касалликлар патогенезида тенденцияга эга.

FABP2 гени Ala54Thr полиморфизмини кичик гуруҳларда таҳлил қилганимизда қуйидагича натижаларга эга бўлдик: Кичик – А гуруҳдаги ЎТК+семизлик синтропик ривожланган беморлар билан соғлом донорлар намуналарини қиёсий таҳлилида Thr аллели тарқалиш даражаси мос равишда 37,1% ва 22,9% ни ташкил қилди ($\chi^2=7,8$; $P=0,005$; $OR=2,0$; 95% CI 1,223-3,209). Гомозиготали Thr/Thr генотиби тарқалиш даражасида эса мос равишда 19,0% ва 7,5% ни ташкил қилди ($\chi^2=5,1$; $P=0,02$; $OR=2,9$; 95% CI 1,122-7,424).

Демак, статистик кўрсаткичлардан маълум бўлдики, ЎТК ва МС компонентларидан семизликнинг нозологик синтропиясида FABP2 гени rs1799883 локусидаги Thr/Thr генотиби ($\chi^2=5,1$; $p=0,02$; $OR=2,9$; 95% CI: 1,122-7,424) юқори ассоциацияга эга эканлиги аниқланди.

Илмий тадқиқот ишнинг натижаларига асосланиб, **ўт тош касаллиги билан оғриган беморларда метаболдик синдром ривожланишини эрта ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг):**



1-расм. Ўт тош касаллиги билан оғриган беморларда метаболдик синдром ривожланишини эрта ташхислаш алгоритми

ХУЛОСАЛАР

«ЎТ тош касаллиги ва метаболик синдром нозологик синтропияси патогенезининг клиник-генетик аспекти» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. ЎТ тош касаллиги ва метаболик синдром синтропияси патогенезидаги липидлар метаболизмида иштирок қилувчи генетик полиморфизми тизимининг (PPARG2 гени rs1801282, ADRB2 гени rs1042714 ва rs1042713, ADRB3 гени rs4994, FABP2 гени rs1799883 полиморфизмлари) ўрни баҳоланди. Ушбу патологияларнинг патогенетик коморбид ҳолда ривожланишида функционал жиҳатдан генотипларнинг мустақил ёки биргаликдаги аҳамияти аниқланди.

2. ЎТ тош касаллиги ва метаболик синдром компонентларидан семизликнинг нозологик синтропиясида FABP2 гени rs1799883 локусидаги Thr/Thr генотиби ва ADRB2 гени rs1042714 локусидаги Glu/Glu генотиби ташувчиларида юқори мустақил аҳамиятга, Ala/Ala ва Gln/Gln генотиплари эса аксинча, протектив аҳамияти аниқланди.

3. ЎТ тош касаллиги ва метаболик синдром нозологик синтропияси липидлар метаболизми регуляциясида PPARG2 гени rs1801282 полиморфизми мустақил иштирок даражаси аҳамиятсизлиги аниқланди.

4. ЎТ тош касаллиги билан оғриган беморларда метаболик синдром ва унинг компонентларидан ҚД касаллигининг ривожланишини башоратлашда липид-регулятор генлардан FABP2 гени rs1799883 локуси Thr ва ADRB3 гени rs4994 локуси Arg аллел вариантлари вариантларининг ассоциацияси юқори информатив қийматга эга эканлиги аниқланди.

5. ЎТ тош касаллиги билан хасталанган беморларда метаболик синдром ривожланишининг эрта ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ 04/30.12.2019.Тib.30.03 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

РАХИМОВ АНВАР ПУЛАТБОВЕВИЧ

**КЛИНИКО-ГЕНЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПАТОГЕНЕЗА
НОЗОЛОГИЧЕСКОЙ СИНТРОПИИ ЖЕЛЧНОКАМЕННОЙ
БОЛЕЗНИ И МЕТАБОЛИЧЕСКОГО СИНДРОМА**

14.00.16 – Нормальная и патологическая физиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.1.PhD/Tib985.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tma.uz) и на Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Исмаилов Уктам Сафаевич
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: Зокиров Ёркин Узуевич
доктор медицинских наук, профессор
Жўраева Мохигул Азимжановна
доктор медицинских наук, доцент

Ведущая организация: Самаркандский Государственный
медицинский институт

Защита диссертации состоится «18» ноября 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии. (Адрес: 100109, Ташкент, ул. Фараби, дом 2. Зал заседания 4-этажа, 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована № 800). (Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фараби, дом 2. Ташкентская медицинская академия, 2 учебный корпус, «Б» крыло, 1 этаж, 7 кабинет. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан « 6 » ноябрь 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 01 от « 6 » ноябрь 2021 года).



Г.И. Шайхова

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней доктор медицинских наук, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

Б.А. Саидов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Желчнокаменная болезнь (ЖКБ) и метаболический синдром (МС) на сегодняшний день во всем мире являются распространенными болезнями, ЖКБ наблюдаются у 10–15% населения земного шара и этот показатель каждые десять лет растет в 2 раза. Метаболический синдром тоже является широко распространенной патологией, которую ученые мира характеризуют «...пандемией XXI века и составляет 20–40% населения всего мира...».¹ На сегодняшний день определено синтропическое развитие ЖКБ и МС в 70–80% случаев, создаются проблемы с течением этих болезней с тяжелыми осложнениями, а также с проведением лечебно-профилактических работ. У пациентов дополнительно наблюдаются многие патологии других органов тела, которые являются причиной проявления серьезных осложнений, а также оказывают свое влияние на результаты лечения путем хирургического вмешательства больных этой категории. Нозологическая синтропия ЖКБ и МС в научной и практической медицине считается важным вопросом, одной из актуальных проблем на современном этапе являются прогнозирование развития коморбидных патологий и улучшения результатов первичной профилактики, разработка клинических и генетических аспектов, механизмов выявления этой комбинированной патологии, разработка профилактики и индивидуального лечения, обоснованного патогенетически.

В мире осуществляется ряд научных исследований по обеспечению оптимальных вариантов клинических и генетических аспектов патогенеза нозологической синтропии желчнокаменной болезни и метаболического синдрома. В этом отношении у больных, желчнокаменная болезнь которых проходит вместе с метаболическим синдромом и без метаболического синдрома, наряду с клинико-лабораторными, инструментальными и антропометрическими обследованиями, отдельное значение имеют важные научно-практические направления разработки степени распространения аллельных и генотипных вариантов генных полиморфизмов ADRB2 (Gln27Glu), ADRB2 (Arg16Gly) и ADRB3 (Trg64Arg), значения в механизмах нарушения метаболизма липидов генов-регуляторов PPARG2 (Pro12Ala), FABP2 (Ala54Thr), цены генных взаимодействий в развитии метаболического синдрома, а также критерий прогнозирования индивидуального риска развития клинической синтропии и разработки алгоритма раннего диагностирования.

В нашей стране отдельное внимание направлено на развитие медицинской сферы, а также на соответствие системы медицины требованиям мировых стандартов, в частности, на раннее диагностирование, лечение и предотвращение осложнений соматических болезней. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы определены следующие задачи: «...внедрение

¹ Абдуллозода С.М. Некоторые аспекты эпидемиологии и этиопатогенеза метаболического синдрома // Вестник авиценны, 2020, Том 22, № 4 – С. 580–585.

комплексных мер, направленных на укрепление и улучшение здоровья населения, уменьшения уровня заболеваемости, предотвращения болезней, связанных с питанием, и повышение продолжительности жизни ...».² Исходя из этого, одним из актуальных научных направлений считается создание оптимальных вариантов клинических и генетических аспектов патогенеза нозологической синтропии желчнокаменной болезни и метаболического синдрома.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г., № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 г., № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 20 июня 2017 г., № ПП-4063 «О мерах по профилактике неинфекционных заболеваний, поддержке здорового образа жизни и повышению уровня физической активности населения» от 18 декабря 2018 г., и в других нормативно-правовых документа по данной сфере.

